28 (358)

2003 йил 16 июл

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

# Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

XII йил

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

## ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: 197-кун

2
- 6 ойда ким қандай ишлади?
- Бобур таърифлаган "Маҳаллот" лар бугун Истиқлол туфайли яшнамоқда

3
- Навоий вилоятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ютуқлари қандай? Муаммолари-чи?

4
- Оқсоқол - суддан судгача
- Тоға ота ўрнини босадими?

Тошкент вилояти

## ЯКУН ВА РЕЖА

**"Обод маҳалла йили" дастури ҳамда Болалар спортини ривожлантириш бўйича 2003 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида амалга оширилган ишлар якунига бағишланган вилоят кўргазмали амалий семинари Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Дўрмон" ширкат хўжалигида бўлиб ўтди. Семинарга шаҳар, туман ҳокимликлари, ҳоким ўринбосарлари, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмалари раислари, вилоятдаги жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди.**

Семинар иштирокчилари Обод маҳалла йилида Қибрай туманида бажарилган ишлар билан таништирилди. Шундан сўнг семинар иштирокчилари "Дўрмон" ширкат хўжалиги боғида тўпландилар. Йиғилишни вилоят ҳокими У.Мирзоқулов бошқарди. Йиғилишда "Обод маҳалла йили" дастурининг биринчи ярим йилликда шаҳар, туманлардаги ижроси ва йўл қўйилган камчиликлар таҳлил этилди. Ибратли ишларни олиб борган маҳалла оқсоқоллари вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек йиғилишда галдаги вазифалар келишиб олинди.

**Гўзал САМСАКОВА, Мастура ҚОРАБОЕВА.**

## ФУТБОЛЧИ БОЛАЛАР БЕЛЛАШДИ

**НУКУС. /ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ/. Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтди.**

Нукусдаги «Турон» стадиони, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ва 2-ўрта мактаб спорт майдонларида бўлиб ўтган мусобақалар муросасиз курашларга бой бўлди.

Ёшига қараб тўрт гуруҳга бўлинган футболчи болалар мусобақасида йигирмага яқин жамоа иштирок этди. 9-10 ёшлилар гуруҳида Тахиатош шаҳридаги 5-маҳалла, 11-12 ёшлилар орасида Нукусдаги 18-маҳалла, 13-14 ёшлилар гуруҳида Қораўзак туманидаги Ш.Ерниязов номидаги маҳалла, 15-16 ёшлилар орасида эса Нукус шаҳридаги 6-маҳалла жамоалари ғолибликни қўлга киритди.

11-12 ҳамда 15-16 ёшлилар гуруҳи ғолиблари 1-5 августда Бухорода, 13-14 ёшлилар гуруҳи ғолиби 21-25 август кунлари Хоразм вилоятида ўтказиладиган мамлакат босқичида иштирок этади.

## Гўзалдир гузарлар






**Мустақилликка эришганимиздан буён, айниқса, Обод маҳалла йилида юртимиз маҳаллаларида кўплаб иншоатлар барпо бўлмоқда. Булар яъни маҳалла идоралари, гузарлар, спорт майдончалари маҳалладошлар хизматида.**

*Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.*

**"Бу ҳаётни сақламоғимиз даркор. Биз ўзимизнинг тинчлигимизни, фарзандларимизни, оиламиз осойишталигини сақлашимиз керак. "Сақламоқ" сўзининг маъноси қандай моҳиятга эга? Бу энг аввало - огоҳ бўлмоқдир".**

**Ислом Каримов.**

## ОГОҲЛИК МАСЪУЛИЯТДИР

**ТОШКЕНТ. /ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА/. Алишер Навоий номидаги кино саройида «Огоҳлик масъулиятдир» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, посбонлар, профилактика инспекторлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов тадбирни очар экан, эл-юрт тинчлиги, осойишталиги ҳар қандай жамиятнинг ўз олдига қўйган бирламчи вазифаси эканини таъкидлади. Тинчликни таъминлаш эса фақатгина ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Ички ишлар вазири З.Алматов бугунги кунда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда кенг жамоатчиликнинг ўрни ва вазифалари, мустақилликнинг қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш, тинчликни таъминлаш борасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги масалалари хусусида сўзлади.

Анжуманда жаҳоннинг турли бурчакларида, жумладан, мамлакатимизга қўшни ҳудудларда турли террорчи гуруҳлар томонидан инсониятга қарши ваҳшиёна жиноятлар амалга оширилаётгани, бунинг натижасида кўплаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлаётгани, бу ҳолат ҳеч биримизни бефарқ қолдир маслиги зарурлигига эътибор қаратилди.

Шу боис ёшлар тарбияси, уларнинг жиноятчилик, ақидапарастлик, гиёҳвандлик каби иллатлар домига илинишининг олдини олиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада ёш авлод онгида янгича дунёқарашни шакллантириш, юртга садоқат, фидойилик, ватанпарварлик туйғуларини қарор топтириш бугуннинг долзарб вазифаларидан бири экани алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов иштирок этди.

**Обод маҳалла йили дастурининг ижроси бугун ҳар биримизнинг энг масъулиятли вазифамизга айланган. Андижонда азалдан тарихий тажрибалар кўп. Аммо ушбу йилнинг эса ўзига хос, тарихга қоладиган излари бўлади.**

## АНДИЖОН АНДОЗАСИ

**- Вилоятнинг ўзига хос тажрибаси, Обод маҳалла йилининг биринчи ярмида юзага келган ижобий ўзгаришлар билан танишиб, бу тажрибаларни мамлакатимиз бўйлаб тарғиб қилиш зарурлигини ҳис этдик, - дейди вилоятда бўлган Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси раиси Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ.**

2-саҳифада

## ЯРИМ ЙИЛ - ЯРИМ ЙЎЛ

### ва биз нималарга эришдик?

**Мамлакатимиз Президенти томонидан 2003 йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши маҳалланинг жамиятимиздаги ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш борасида муҳим қадам бўлди. Энг муҳими, «Обод маҳалла йили» дастури ишлаб чиқилди ва амалда кенг татбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз фуқаролари моддий, маиший ва ижтимоий ҳаётининг барча томонларини қамраб олган ушбу дастурни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотлари фаол иштирок этмоқда.**

Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасида ушбу дастурнинг олти ойлик ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси раиси К.Тўлаганов анжуманни очар экан, юртимизда маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини янада юксалтиришга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда дастурнинг олти ойлик якунлари ҳақида Ўзбекистон оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоевнинг ахбороти тингланди. Ўтган вақт мобайнида юртимиз маҳаллаларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, маҳалла оқсоқоллари, раисларининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш бўйича кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди. Бу борада жамғарманинг Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлиги яхши самара бераётир.

Маҳаллаларда тижорат банкларининг кредит линиялари орқали кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, гузарлар қурилиб, янги иш ўринлари барпо этилаётир. Ёш оилаларга кўмаклашиш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларни ижтимоий муҳофазалаш каби хайрли юмушларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Кекса авлодга ғамхўрлик кўрсатиш янада кучайтирилмоқда.

Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, хонадонларни табиий газ, ичимлик сув билан таъминлаш ишлари ҳам янада жонланди.

Дастурга кўра ўғил-қизларни спортга кенг жалб қилиш, маҳаллаларда турли спорт иншоотлари бунёд этиш, оилавий спорт мусобақалари ташкил этилаётгани диққатга лойиқдир.

**Анжуманда «Обод маҳалла йили» дастурининг ижроси юзасидан республика кўригида фаол иштирок этаётган илғор маҳаллалар фаоллари, раислари, ҳокимликлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар вакилларига совғалар топширилди.**



## ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИ БЕБАҲО

**Биз, милиция ходимларидан, фуқароларнинг тинч ҳаётлари ва осойишталигини таъминлаш билан бир қаторда, уларни тажовузкорлик ҳамда террорчилик ҳаракатларидан муҳофаза қилиш учун ҳам катта масъулият талаб этилади.**

Айниқса, ҳозирги пайтда демократик давлат сари бораётган ёш давлатимиздаги тинчлик ва осойишталикни, аҳоли ўртасида жипсликни сақлаш энг муҳим вазифадир. Диний экстремизм, террорчиларнинг Тошкентда, Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида, АҚШда, Москвада мудҳиш кўпорувчилик ҳаракатларининг гувоҳи бўлганмиз.

Биз ўзимизга бириктилган ҳудудда одамлар эрталабми, ярим кечасими - эмин-эркин юришлари, ҳар қандай кўнгилсизликдан холи бўлишлари учун бор имкониятни ишга солаётирмиз. Маҳалла-мактаб-милиция ҳамкорлиги ўзини оқламоқда. Ҳозирги кунда дунёнинг турли нуқталарида террорчи гуруҳларнинг хуружи тинмаётган бир пайтда юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлашга эришиш ҳамма нарсадан муҳимдир. Шу нуқтаий назардан Президентимиз Ислом Каримовнинг хоҳ нуфузли халқаро минбарлар, хоҳ халқ орасида бўлмасин - ҳар доим огоҳликка даъват этишлари бежиз эмас. Шунга кўра, биз ҳам ҳокимлик, маҳалла ва корхона, ташкилот вакиллари билан яқин ҳамкорликда фаолият юритишга ҳаракат қиляпмиз. Бизга тегишли бўлган ҳудудда бўлаётган барча янгиликлардан хабардормиз. Шунингдек, узоғимизни яқин, мушкулимизни осон қилиб бизга доимо автотранспорт воситаси ажратаётган "Ўзметкомбинат" ҳиссадорлик жамиятидан ҳам миннатдормиз.

**Р.ЯФАРОВ,**
**Бекобод шаҳар ИИБ ХООБ профилактика инспектори, милиция катта сержанти.**

Обуна-2003

Mahalla



*-Яна нима дейди?*
*-Иккинчи ярим йилликка обуна бошланибди, дейди!*
*-Биз йиллик обуна бўлганмиз, деб айт!*

Қорақалпоғистон Республикаси

## ҚИЛИЧИНОҚ – ОБОД ҚИШЛОҚ

**- Қиличинокда 10 та йирик овул бўлиб, 15 мингга яқин аҳоли яшайди, - дейди овул фуқаролари йиғини раиси Давлатбой Бекжонов.**

- Барча хонадонлар табиий газ билан тўла таъминланган. Йўллар асфальтланган. Қишлоқда янги корхоналар қурилиб, тайёр товарлар тайёрланяпти. Масалан, Германиядан келтирилиб ўрнатилган "Petkus" цехи бутун Элликқалъа тумани хўжаликларини сара дон уруғи билан таъминламоқда. "Шарбат" ҳиссадорлик жамияти, бир неча кичик корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишламоқда. Даромадга яраша буромад деганларидек, режаларнинг муттасил бажарилиши, иқтисодий жиҳатдан бақувват фермерларнинг пайдо бўлиши қишлоқларимизнинг обод, кўркам бўлишига туртки бўлмоқда.

Айниқса Каримбой ака Маткаримов бошчилик қилган яраштирувчи комиссия, Гулсара Бердибоева раисалик қилган хотин-қизлар қўмитаси, Тўли Султонов раҳбар "Маънавият ва маърифат" маркази кундалик фаолияти ғоят фойдали бўлаяпти. Тартиб-интизомнинг талаб даражасида ташкил этилишида туман прокуратураси кўмагини доимо ҳис қиляпмиз. Натижада аҳоли зич жойлашганлиги ва ғоят гавжумлигига қарамасдан жиноятчилик, майда безорилик, оилавий қўйди-чиқдилар деярли йўқ ҳисобида.

**Суҳбатдош: Асилбек ИСКАНДАРОВ.**
Элликқалъа тумани.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

*Таҳририятга келган хат ва мақолалар таҳрир қилинмайди ва эгаларига қайтарилмайди.*

**Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.**

*Таҳририят*

